

# ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 234 (10.539)

2005 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА САТРАДА

- **БУГУН** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Чилонзор туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Миллий истиқлол юяси: асосий тушунна ва тамойиллар» дастури доирасида ташкил этилган курс тингловчиларига гувоҳномалар топширилди.
- **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида туман фаоллари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида «Конституция ва ҳуқуқ» мавзусида бўлиб ўтган семинар туман ҳокимлиги, «Адолат» социал-демократик партиясининг туман кенгаши, туман ФХД бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.
- **МИРЗО** Улугбек туманидаги 207-мактабда туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорликларида кувчилар иштирокида ўтказилган кўриктанлов «Сен қонуни биласанми?» деб номланди.
- **БУГУН** Тошкент фармацевтика институтида Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида оммавий-маданий тадбир ўтказилди.
- **ХУЖАЕВ** номидаги Дизайн коллежида «Учтепа туман ҳокимлиги, туман ИИБ, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла-жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси аъзоси, таниқли rassом Жура Асроннинг «Ўзбекистон мўжизалари» деб номланган асарлари кўргазмаси намойиш этилди.
- **ШУХРАТ** Аббосов режиссерлигида Ўзбек киноси ижодкорлари томонидан тайёрланаётган «Бир кун Афанди» деб номланган янги кинокомедияни суратга олиш ишлари ниҳоясига етди. Эркин Ҳушвақтов сценарийси асосида суратга олинган ушбу фильмда «Хандалак», «Қаҳқаҳа» гуруҳлари актёрлари ҳамда Равшан Солиҳов асосий ролларни ижро этишган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати  
ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкент давлат юридик институти Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари, Президентимиз фармонлари ва қарорлари, шунингдек, қонуни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идоралари томонидан тўпланган демократик тажрибалар асосида «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи» дарслигини лотин ва кирилл алифболарида нашр этди. Конституция қабул қилинган куннинг ўн уч йиллиги арафасида эса Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятини содда ва равлон тилда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган илмий-оммабоп рисолалар туркуми яратилди.



### Конституция кунин олдида

## ИЛМИЙ - ОММАБОП РИСОЛАЛАР ТўПЛАМИ

Тошкент Давлат юридик институтида ушбу рисолалар тақдими бўлиб ўтди. Унда институт ректори М.Рустамбоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар таъкидлаганидек, демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги дастлабки қадам Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Бош Қомусимиз болалар боғчасидан бошлаб ўргатилмоқда, мактаблар, ўрта махсус ва олий

ўқув юртларида эса махсус фан сифатида ўқитилмоқда.

«Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг Президентини», «Конституция ва халқ ҳокимиятчилиги», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари», «Конституция ва маҳаллий давлат ҳокимияти», «Конституция ва жамоат бирлашмалари», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари» каби йигирма етти номда чоп этилган ҳамда Бош Қомусимизнинг ҳар бир боби кенг шарҳланган янги рисолалар кенг китобхона омма-сига мўлжалланган.

Бехзод НОРБОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТўРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИНГ ОЧИЛИШИ ТўГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2005 йил 2 декабрь кунин соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

## ЖАМИЯТ РИВОЖИ ВА ОЛИМАЛАР

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида жамият ривожига олима аёллар ўрни ва ролига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Олима» аёллар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги каби ташкilotлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқени янада оқсатлириш, уларнинг жамиятимизда кечаётган ислохотлардаги иштирокини кенгайтиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мақзур Фармонга мувофиқ хотин-қизларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар орасида тадбиркорлиқни ривожлантириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга оид қўллаб ишлар амалга оширилаётгани

эътиборга моликдир.

Мамлакатимиз хотин-қизлари қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда илм-фаннинг барча йўналишлари ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган хотин-қизлар ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Давлат илмий-техникавий дастурлари ҳамда халқаро илмий грантлар бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда олима аёлларимизнинг иштироки ва қўшаётган улуши тобора ошиб бормоқда. Уларнинг, айниқса, тиббиёт, микробиология, иқтисодиёт, кимё, полимерлар кимёси, педагогика каби кўплаб йўналишлардаги илмий изланишлари эътиборга лойиқдир. Ҳар йили адабиёт, санъат, таълим ва маданият йўналишлари баробарида илм-фанда истиқболли

тадқиқотлар олиб бораётган иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирланаётгани ҳуқуматимиз томонидан ёш олималарга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тадбирда узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган олималар билан бирга ёш иқтидорли тадқиқотчи қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## XXI саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўғит хабарлар

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институлар, нодавлат ташкilotлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Нодавлат нотижорат ташкilotлари тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Дато Ван Аҳмад бин Умар раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов билан учрашди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият курилиши академиясида республика Фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорликда «Фермер хўжалиқлари раҳбарлари, илгор фермерлар ва ЎзЛиДеПнинг жойлардаги вакиллари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш асослари» мавзусида икки кунлик илмий амалий семинар бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг Андижон темирйўл депоси «Российские железные дороги» ОАЖ компаниясининг тепловозларини тўлиқ таъмирлаш ва модернизациялаш бўйича ўтказилган тендерда ғолиб чиқди.

● Балиқчи туманидаги «Baikchitex» Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси ип йигирувчилари жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш режасини бажардилар.

### Жаҳонда

● Жаҳон банки Ироққа 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан қарз ажратишга қарор қилди. Ушбу маблағ асосан таълим тизимини ислох этишга сарфланади.

● Франция Бош вазирини Доминик де Вильянь мухожирлар яшайдиган ҳудудларда яқинда амалга оширилган тартибсизликлардан сўнг мамлакатда мухожирлик сифатини қатъийлаштириш режасини баён этди.

● Ингушетия Европа минтақалари ассамблеяси аъзоллигига қабул қилинди. Шу тўғрисида қарор ассамблеянинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган 20-сессиясида қабул этилди.

● Саудия Арабистонида кимёвий қурошлар ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва ташини тақиқловчи қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий харитасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. У Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқларнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ақс эттиради. Конституция, авваломбор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устуңлиги принципига амал қилади. Унда бирор сиёсий мафуранинг чекланиши, синфларнинг қарама-қарши қўйилиши, партияларнинг ҳукмронлиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан таъзиқ ўтказувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципларни қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Конституциядан кўп миллатли мамлакатимизда умумий мустақкам ахлоқий ва ҳуқуқий ҳудуд яратиш ғояси ўрин олган.

Ўзбекистон Конституцияси — бу мамлакатнинг ривожланишида давлат жамият, маданий-маънавий эҳтиёжлар ва барқарор конституциявий тараққиётга бўлган жаҳон тажрибаларининг ижодий бирлигидир. У қадриятларнинг қуйидаги устуңлигини ўрнатади: «шахс — жамият — давлат».

Эркин, онгли, мустақил шахс — фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисми. Фуқаролик жамияти — мустақил уюшган халқ бўлиб, у ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи ва эгасидир. Суверен, демократик, ҳуқуқий давлат шахс ҳамда жамият ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси. Шу маънода, конституция — фуқаро жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома.

Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тенг ҳуқуқ ва эркинлик бериши ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга унинг 19-моддасида кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Масалан, 44-моддага биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва эркинлик бериш билан бирга уларнинг зиммасига маълум масъулиятларни ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

Ушбу модда Асосий Қонунимизнинг «Давлат органлари ва мансаб-

дор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар» /2-модда/ деган энг асосий қоидадан келиб чиқиб, Ўзбекистон фуқароларининг муҳим шахсий ҳуқуқларидан бирини мустақкамлайди. Бошқача сўз билан айтганда, унда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсдан устуңлиги ва олий қадрият эканлиги яна бир қарра эътироф этилади. Бу модданинг мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, фуқаролар аввало ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек бурчларини билиб олишлари лозим ва улардан кенг фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Мазкур моддада бир томондан, барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа

жамоанинг ҳам ўз манфаатлари бўлади. Конституциямиз ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлигини расмийлаштиради ва кафолатлайди. Шу билан бирга шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатларга зиён келтирмаслиги лозимлигини қонунаштириб беради. Айнан Конституциянинг 20-моддаси фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт, деб белгилайди. Демак, ҳар бир фуқаро Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланар экан, фақат ўз манфаатларини ҳисобга олмасдан, бошқа фуқароларнинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашмоғи лозим, жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаатларини унутмаслиги керак. Ушбу инсонпарварлик принципи Конституциянинг бошқа моддаларида ҳам мустақкамланади. Масалан, 48-моддага кўра, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Давлатнинг фуқаролар олдига масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатларига, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Давлатнинг масъуллиги принципи Ўзбекистоннинг Конституциявий ривожланиш тарихида биринчи бор мустақкамлаб қўйилди. У фуқаролик жамияти учун катта аҳамиятга эга, чуқки давлат тўраларнинг ва мансабдор шахсларнинг тажовузуларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Конституциянинг 14-моддасида шундай дейилади: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширадир». Бу қоида орқали Конституциямиз демократик давлат фаолиятининг асосий принципидан бирини эълон қилади. Бунга кўра, инсонга муносиб ҳаётни ва унинг ривожланишини таъминлаш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилувчи муҳим йўналишларни бош ислохотчи бўлиш давлатнинг ўзи танлаб, уларни амалга оширишда ўзи етакчилик қилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-адолатли жамият ва давлатларнинг ўлчов мезони жамиятнинг энг ночор ижтимоий табақаларига муносабат билан белгиланади.

Давлат ва жамият фуқарони ўз ҳимоясига олмоғи лозим. Шундагина у хотиржам, тинч яшаб унумли меҳнат қила олади. Давлат ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратмоғи лозим.

Шундай қилиб, Конституциямизда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлиги ўз аксини топиб, бунда аввало шахс, сўнгра жамият ва ундан кейин давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши назарда тутилди.

**Даврон АХМЕДОВ,**  
Тошкент Давлат юридик институтининг доценти.

### *Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда*

## ШАХС, ЖАМИЯТ ҲАМДА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

**Жаҳон мамлакатларининг конституцияшунослик тажрибасидан маълумки, Конституция давлатнинг Асосий Қонуни ҳисобланиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари мустақкамланади.**

материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбурияти юкланса, иккинчи томондан, ҳар бир фуқарога ана шундай имконият яратилишини талаб қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу Конституциямиздаги шахсни ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, демократия, адолат, инсонпарварлик тамойилларини рўбга чиқариш каби умуминсоний қадриятларнинг ёрқин ифодасидир.

Конституцияда белгиланишича, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар» /2-модда/. «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаёлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди» /4-модда/. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» /3-модда/. ва ҳоказо. Конституция ҳар бир фуқарога уларнинг ҳаётига, соғлиғига, шахсий эркинлигига, шаънига, қадр-қиммати ва мол-мулкига ҳар хил тажовузулардан суд ҳимоясини кафолатлайди.

Юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазирасини тўғри адо этган ҳисобланади». Бу қоидадан ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат этиши шарт.

Маълумки, ҳар қандай давлатда инсон ва жамият, шахс ва жамоа ўзаро алоқадор бўлиб, шахс жамоанинг бир бўлаги ҳисобланади. Шахснинг ҳам,

### *Иқтисодиёт*

## ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Маҳсулот сифатини таъминлашда, унинг рақобатбардошлигини оширишда замонавий техникалардан фойдаланиш баробарда Эскиларини қайта таъмирлаш, бозор талабига мос товарлар ишлаб чиқаришга йўналтириш катта аҳамият касб этади.

Ана шунга амал қилган пойтахтимиздаги «Норуда» акциядорлик жамиятида ҳам бу борада тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшаётган жамоа ахлининг 12 турдаги сертификатланган тош ва қум маҳсулотларидан қурувчилар унумли фойдаланмоқда. Сифатга ва бюртмаларни ўз вақтида удалашга эътибор қаратаётган тадбиркор жамоа мутасаддилари хорижий ҳамкорлар билан ҳам алоқани мустақкамлаб, янги техника турларини ҳамда мажбур дастгоҳлар учун бутловчи қисмларни келтирмоқда. Бу эса нафақат қурилиш ашёлари сифатининг, балки ишлаб чиқариш ҳажмининг ортисини таъминламоқда. Жорий йилда корхонага хориждан «Титан» тош майдалаш ускунаси ҳамда «Либнер» экскаваторининг келтирилганиги, ҳозирда улар қувватидан унумли фойдаланилаётганиги фикримиз исботидир. Шунингдек, корхонага келгусида яна бир неча дастгоҳ, ускуна ҳамда янги техника турларини келтириш кўзда тутилган.

Албатта, жамоа утуғига ҳисса қўшаётган 370 нафардан зиёд ишчи-хизматчиға яратилган яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари, моддий ва маънавий манфаатдорлик сифат ва самарадорликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## ТОЗАЛАШ ВОСИТАЛАРИ

«Прогресс» ҳусусий корхонасида ишлаб чиқарилган ювиш ва тозалаш воситаларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, сертификатланган товарлар маҳаллий яъни иккиламчи хом ашёдан тайёрланади.

Энг муҳими, уй бекалари учун рўзгорда ниҳоятда зарур бўлган ушбу тозалаш ашёларининг саломатлик учун ҳеч қандай зарари йўқ. Ҳозирда ҳусусий корхонанинг 8 нафар ишчи-хизматчиси саъй-ҳаракати билан 4 турдаги «Покиза» деб номланган ювиш ҳамда тозалаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

— Тадбиркорларга берилаётган имконият, тадбиркорликка қаратилган эътибор, — дейди корхона раҳбари Собиржон Раҳимов, — ишларимиз ривожда, излашиларида катта ёрдам бермоқда. Яқинда «Покиза — антизанг» деб номланган янги маҳсулотимизни бозорга чиқардик.

Энг асосийси эса, ушбу маҳсулот четдан келтирилмайдиган мана шу турдаги товар билан бемалол рақобатлаша олади. Яқин кунларда эса гел, оқартирувчи ювиш воситаси ва канализациядан турли қуйқаларни тозаловчи янги маҳсулотларни ҳам тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

**Шарофат БАХРОМОВА**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги, 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга бағишлаган ўтказилган илмий-амалий семинарда шу ҳақда гап борди.

Ушбу кўмита раисининг ўринбосари С.Жабборов бошқарган тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳри ва вилояти жиноят ишлари бўйича судлари судьялари, республика юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Бош прокуратура Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг

таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси жорий этилди.

Номии зикр этилган Фармонлар кенг жамоатчилик томонидан, жумладан, ҳор-рижада ҳам мамлакатимизда инсоннинг конституцийвий ҳуқуқ ва эркинликлари, авва-

эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, дастлабки тергов ва судгача бўлган иш юритиш жараёнида суд назоратини кучайтириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида турган масалалар, суд-ҳуқуқ ислохотини амалга ошириш асносида умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиш муаммоларига оид масалалар муҳофиза қилинди. Суд-ҳуқуқ ислохотининг ҳозирги босқичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Семинарда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш: мақсад ва вазифалар, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда халқро ҳуқуқий меъёрларни инобатга олиш муаммолари, суд-ҳуқуқ ислохотлари: процессуал қонунларни такомиллаштириш муаммолари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларининг ижроси борасида прокуратура органлари ходимлари олдида турган вазифаларга оид мавзуларда маръузлар тингланди.

**Беҳзод НОРБОВЕВ,**  
ЎЗА мухбири

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ: ТАЖРИБА ВА САМАРА

**Мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини янада мустаҳкамлашга, судларнинг мустақиллигини таъминлашга, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

ло, яшаш ҳуқуқини, асоссиз жиноий таъйибдан ҳимояланишни, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги гоят муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши судларнинг ролини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, судларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш - демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардандир.

Тадбирда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва

қонунларни такомиллаштириш муаммолари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларининг ижроси борасида прокуратура органлари ходимлари олдида турган вазифаларга оид мавзуларда маръузлар тингланди.

**Беҳзод НОРБОВЕВ,**  
ЎЗА мухбири

## Саҳна

### ЭКСПОНАТЛАР СОНИ ОРТДИ

Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси ўз фаолиятини бошлаганига бир йил бўлди. Ўтган шу қисқа вақт ичида унинг фаолияти кенгайиб, экспонатлар сони янада ортди.

Унда мамлакатимиз мўйқалам усталарининг таллайгина асарлари ҳам ўрин олди. Айни вақтда Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган rassomлар ижод намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

Бу ва шунга ўхшаш картиналардан иборат композиция алоҳида кўргазмани ташкил этади.

Бу расмлар Ўзбекистон тарихи Давлат музейида очилган кўргазмада намойиш қилинди. Галереянинг бир йиллигига бағишланган бу маданий тадбир доирасида «Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши» деб номланган китобнинг тақдимоти ҳам бўлди. Бу йирик монография атоқли археолог олим, академик Эдвард Ртвеладзенинг кўп йиллик изланиши махсули сифатида чоп этилди.

### БАСТАКОРНИНГ ЯНГИ МУСИҚАСИ

Мамлакатимиз концерт дастурларидан мусиқанинг турли жанрларига доир янги асарлар ўрин олмоқда. Гобой чолғу асбоби учун ёзилган тароналар ҳам кўплаб мухлислар томонидан севиб тингланмоқда.

«Ўрта ер денгизи тўлкинлари» деб номланган мусиқа ҳам оҳангарга бойлиги билан ажралиб туради. Таниқли бастакор Мустафо Бафевнинг янги ижод намунаси сифатида тақдим қилинган бу мусиқа Ўзбекистон Давлат консерваториясида гобой чолғу асбоби жўрлигида симфоник оркестр ижросида янада жозибдор янгради.

Туркча концерт оҳангарларида таранум этилган мазкур асар бастакорнинг навбатдаги ижодий кечаси дастурига киритилди.

### СПЕКТАКЛНИНГ ЮЗИНЧИ НАМОЙИШИ

Машҳур исроиллик ёзувчи Шолом Алейхем ижодида «Томдаги скрипкачи» асари алоҳида ўрин тутди. Бу пьеса республикамиз томошабинларига ҳам яхши таниш.

Бундан ўн йил аввал у Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси тавсиси билан сахна юзини кўрган эди. Ўзбекистон Ёшлар театри репертуаридан ўрин олган бу постановкани 35 мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди. Яқинда эса спектаклнинг юзинчи постановкаси мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Шу муносабат билан театрда юбилей тадбири ўтказилди. Театрнинг бадий раҳбари Наби Абдурахмоновнинг маълум қилишича, «Томдаги скрипкачи» спектакли яқин орада Россия Федерациясининг Новосибирск, Омск, Барнаул шаҳарларида ҳам кўрсатилади.

**Акбар АЛИЕВ**



## УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Донишмандлардан бири дунёда янгилик йўқ: барча янгилик унутилган эскиликдир деган эди. Шу маънода башариятнинг қадимий бешиги ҳисобланмиш гор деворларига ўйиб ишланган ўйма суратлар, Миср эҳромлари, кўхна Скиф афсоналарида чаққон ҳаракати, югуришдаги бетакор қобилиятини намойиш эта олган киши бахслари янгича қиёфа касб этиб онгли инсон фарзанди шаклланишидан то шу кунга қадар сизу бизнинг руҳий ва жисмоний камолотимизга беками кўст ҳисса қўшиб келмоқда.

Ана шу ҳақиқатни яхши англаб ётган спорт жамоатчилигимизда марафон спорт турига қизиқиш катта. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаган ўтказилаётган умуммамлакат марафони фикримиз исботи бўла олади десак адашмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу нуфузли спорт тадбирининг юксак руҳда ўтишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Хотин-қизлар, Миллий Олимпия кўмиталари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа қатор давлат, жамоат ташкилотлари ўз хиссаларини қўйдилар.

Маълумки, аънавий умуммамлакат оммавий югуриш марафони аҳолининг

кенг қатламини, айниқса, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт машғулотларига узлуксиз жалб этилишини таъминлаш, уларни фойдали, маз-

чилари Нукус—Урганч—Бухоро—Навой: иккинчи йўналишда Термиз—Қарши—Бухоро—Навой: ниҳоят охириги учинчи босқичда эса Наманган—Андижон—Фарғона—Ангрен—Тошкент—Гулистан—Жиззах вилоятлари йўлларида ҳаракатландилар. Кеча эса учинчи йўналишда иштирок этаётган марафончилар Наманган—Тошкент йўналишидаги бекат сифатида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Г.Красницкий стадионига етиб кел-

дилар. Улар спорт мактаблари ўқувчилари, ота-оналар, Давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан тантанали тарзда қутиб олинди. Тадбирнинг тантанали қисмида сўзга чиққан Бектемир тумани ҳокими Акмал Хошимжонов марафон


иштирокчиларини Асосий Қонунимизнинг 13 йиллиги билан самимий муборакбод этди. Уларнинг марафон давомидаги фаоллиги ҳеч қачон сусаймаслигига тилак билдирди.

—Бу йилги марафон ўтган йиллардагига нисбатан ўзига хос жиҳатларига кўра ажралиб туради, — дейди Бектемир тумани халқ таълими бўлими мудири Искандар Тожиев биз билан суҳбатда. —Негаки, мазкур нуфузли спорт тадбирининг Ўртбошимиз томонидан алоҳида эътироф этилганидек, «Сиҳат-саломатлик йили»да ўтказилаётгани, қолаверса, ушбу йил муносабати билан қабул қилинган давлат дастури доирасида уюштирилаётганлиги билан эътиборли.

Халқимизда интилганга толе ёр деган мақол бор. Шу маънода марафон бахсларида ўзига хос намуна кўрсатган спортчиларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус мукофотлар топширилди.

Шундан сўнг марафончилар ўз манзилларида давом этдилар. Мусобақа низомига кўра марафон иштирокчилари Самарқанд шаҳри кўчалари бўйлаб Регистон майдони узра марра томон югурдилар. Оммавий спорт мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг 168 нафар профессионал спортчилари билан биргаликда ўқув муассасалари талабалари ва ўқитувчилари ҳамда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган жисмонан соғлом кўнгилли хаваскор югурувчилар ҳам қатнашдилар. Шу тариқа марафон қатнашчилари ва голиблари бир вақтлар рўйи замин сайқали деб тан олинган Самарқанд шаҳрида тақдирланади ва шу қутлуғ заминда нуфузли спорт мусобақасига яқун ясалди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
**СУРАТЛАРДА: Г.Красницкий стадионида умуммамлакат марафони иштирокчиларини тантанали равишда қутиб олиш ва тақдирлаш маросимидан лавҳалар.**  
**Ҳакимжон Солиҳов**  
олган суратлар.



Хусусан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларининг ечилишида кўмаклашиш, (иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, ўқув кредитларини олишда ёрдам бериш), ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қилинаётган сазй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда, деб бемалол айтиш мумкин.

**Муназарра**

**ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА**

Ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб воёга етишларини таъминлаш давлатимиз томонидан энг устувор вазифалардан бири деб белгиланган бўлиб кўйилди. Бу йўлда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Тарбия оғир, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган воёга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек фарзандларнинг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар билан ҳам мунтазам иш олиб борилмоқда, — дейди бу тўғрида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши Матбуот гуруҳи раҳбари Отабек Эшматов. — Яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан доимий алоқада бўлиниб зарурат туғилганда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ота-оналарга фарзандларининг тарбияси бўйича амалий-усlubий ёрдам кўрсатилмоқда, уларнинг хатти-ҳаракатлари маҳалла йиғинларида муҳокама қилинмоқда.

Харакатнинг Сергели тумани бўлими томонидан эса шу йилнинг 1-2 чорагида тумандаги барча ўқув муассасаларида «Кунубузарлик ва жиноятлар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан эса Тошкент шаҳар ИИББ рўйхатида турувчи воёга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари уюштирилди. 2005 йилнинг ҳар ойининг иккинчи чоршанбасида Тошкент шаҳар ИИББ Воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига туман Етакчилар Кенгаши аъзоларининг ташрифи уюштирилди. Ҳар бир ташрифта воёга етма-

ган ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, расм чиқиш акциялари ўтказилди. «Камолот» ЁИХ Юсуфобод туман бўлими томонидан туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда мактабларда туман ИИББ назоратида турган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича учрашувлар, Яқкасарой туманида истикомат қилувчи воёга етмаганлар учун туман Кенгаши томонидан Воёга етмаганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига экскурсия уюштирилди.

Дайдилик ва тиланчилик билан шуғулланиб келаётган ёшларни аниқлаш бўйича туманларда «Дайди» рейдлари ўтказилди. Воёга етмаган қизларни ҳаётга тайёрлаш мақсадида 11 та тумандаги маҳаллаларда ўтказилган «Соғлом онадан — соғлом бола» мавзусидаги давра суҳбатлари барчага манзур бўлди. Бир сўз билан айтганда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан амалга оширилаётган барча хайрли тадбирлар воёга етмаган ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, мустакил юртга муносиб фарзанд бўлиб воёга етишларига хизмат қилмоқда.

**Азиза МУҲАМЕДОВА,**  
1-педагогика коллежи талабаси.

**ЭҒОЗ**

**УСТОЗЛАР, СИЗГА ТАЪЗИМ**

Устоз! Мураббий! Ушбу биргина сўз замирида қанчадан-қанча олим уламоларга илм ўргатган, тарбия берган ва келажақда буюк инсон бўлиб, ҳаётда ўз ўрниларини топишга замин яратиб берган талабчан, қаттиққўл ва меҳрибон инсонларни тушунамиз.

Бу фидойи инсонлар биз-талаба, ўқувчилар учун бор куч ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қиладилар. Менинг ўзим ҳам ўқитувчилар оиласида бўлганим сабабли ушбу касб эгаларини жуда ардоқлайман, ҳурмат қиламан. Мактабда ўқиб олий ўқув юртига киришга тайёрланиб юрган кезларимда менга ҳаёт илмдан ташқари турмуш қийинчиликларини сабр билан енгиб ўтишни ўргатган устозим Баҳодир Эргашевни рўпара қилди. Улар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетидега сиёсатшунослик кафедрасида ишлаш билан бирга менга инглиз тилидан ҳам сабоқ берардилар. Мен бу инсоннинг ҳаёт тажрибаларини кузатиб келишимиз.

риб анча нарсани ўргандим. Улар ўз билимлари, зукколиклари билан хориждаги университетлардан бирида таҳсил олиб қайтганлар. Улар ҳамиша менга: «Билим олишнинг эрта-кечи йўқ, аксинча инсон умри давомида ўқиб-ўрганишга, дунёқарашини ўстиришга ҳаракат қилиши керак», дея уқитдилар. Мен уларнинг уғитларини жон қулоғим билан тинглаб талаба ҳам бўлдим. Уқиб, изчаниб, билим олиб инсон барча ниятларига эриша олишига яна бир қарра ишондим. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз устоз, деб қоламан.

**Шахло НУРМУҲАМЕДОВА,**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Биз юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Сергели туманида жойлашган 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Аввало эътиборимизни кичкинтойлар масканининг ниҳоятда озодлиги, ранг-баранг гулларнинг яшнаб туриши, тартиб билан териб қўйилган ўқув жиҳозлари, бир сўз билан айтганда тартиб-интизомнинг яхши йўлга қўйилганини табиатга уйғотилган меҳр-муҳаббатнинг уйғунлашиб кетганини тортди.

—Мактаб-боғчамиз 1995 йилда очилган бўлиб, 9 та синф, 2 та боғча гуруҳларида 250 нафар болажонларнинг пишиқ-пухта билим олишлари, ҳаётга тийрак нигоҳ билан боқиб, ҳуқуқий саводхон, комил инсон бўлиб воёга етишлари йўлида имкон боришча иш олиб борилди,—дейди мажмуадаги ҳар бир синф ва гуруҳлар билан таништирилган ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Гулнора Умарова. —Иш жараёнида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида, узлуksиз таълим жараёнидан келиб чиқиб, ёш авлодни

**КЕЛАЖАГНИНГ ПОРЛОҚ БЎЛАСИН, БОЛАЖОН!**

Кейинги йилларда барча жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси сифатида таълим-тарбия жараёнида ҳам ўзига хос ингиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, жажжи болажонлар учун мўлжалланган мактаб-боғча мажмуалари фаолияти ўзига хослиги билан барчага маъқул бўлмоқда.


маънавий ва ахлоқий етук, соғлом қилиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг учун мактаб-боғчамизда барча шарт-шароитлар яратилган. Кичкинтойларга нафақат алфббо, балки тасвирий санъат, мусиқа, ракс санъати, замонавий техника сирасорлари ҳам сингдириб берилмоқда. Турли фан ва спорт тўғрараклари иш олиб боради. Уларга ўз касбининг билимдонлари бўлган 27 нафар ўқитувчи, педагог ва тарбиячилар кун билан янги технологиялар асосида таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Улар сафида 40 йилдан ортқк шохода ишлаб келаётган Ирисой Юсупова, тарбиячи Фания Латафулина, Наргиза Маҳкамбоева, Барно Меримедоваларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан

тилга олиш мумкин. Мактаб-боғчамизга махсус тест синовлари асосида зукко болалар қабул қилинади. Яқин кунларда ота-оналарнинг хоши-истакларини ҳисобга олган ҳолда яқшаба гуруҳини ҳам очиб ниятимиз бор. Болажонларимизга билим бериш билан бирга уларнинг она-Ватанимизга садоқатли, ватанпарвар, табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиб воёга етишларига ҳаракат қилмоқдамиз. Ўзимизнинг кичик боғимиз бор, ободонлаштириш ишларини болалар ўша ерда ўрганишади. Яқинда туман ҳокимлиги томонидан ўтказилган «Муассасанинг энг обод худудди» танловида 1-ўринни кўлга киритдик. Барча ишларимиз «Мактаб-маҳалла-оила» концепцияси асосида ота-оналар, «Оқибат» ма-

ҳалласи ҳамкорлигида олиб борилади. Мактаб-боғча мажмуини айланиб, гуруҳларда бўлиб, замонавий компьютерлар билан бемалол «тиллашаётган» кичкинтойларни, шахмат тахтасига диққат билан тикилиб ўтирган кичик «Русамжону» футбол тўпини моҳирлик билан шеригига узатаётган «Миржолон»ларни кузатиб эртанимизнинг муносиб издошлари воёга етаётганидан кўнглимиз тўлди. Уларга меҳрли нигоҳ билан боқиб сабоқ бераётган болажон, изланувчан, интилувчан устозларга заҳматли меҳнатларида куч-қувват, ғайрат ва шижоат ҳамроҳ бўлишини тиладик. Шу йўлда айтиб ўтмақчи эдикки, албатта устозидан илк сабоқни олаётган кичкинтойлар ўзларини катта ҳаёт остонасига кузатган биринчи устозларини ҳеч қачон унутмайдилар. Академик шоиримиз Фафур Фулом айтганларидек, «Маънавий ва руҳий камолот учун аниқ фони ўргатган биринчи устозни эслаб қўймоқ лозим». Инсон учун бундан ортқк бойлик бўлмас керак.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**КАМОЛОТ**



**САЙЁР ЎҚУВ СЕМИНАРИ**

Шаҳримиз олий ўқув юртларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг ишини янада такомиллаштириш, етакчиларни ёшлар билан ишлашга, фаолиятини такомиллаштиришга, ҳужжатлар билан ишлашга ўргатиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан махсус сайёр ўқув семинари ўтказилди.

Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши етакчилари, туман Кенгаши раислари, туман болалар ташкилоти раисларидан иборат жами 70 нафар талабалар иштирокида бўлиб ўтган уч кунлик семинарда ўқув юртидаги асосий муаммоларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқилди ва улар талабалар томонидан саҳнавий кўринишларда намойиш этилди.

— Маданий дастурлар асосида ўтказилган 3 кунлик ўқув семинарида талабалар ҳаётидаги муаммолар, ўқув жараёнида юзга келадиган камчиликлар атрофлича кўриб чиқилди, — дейди Тошкент Молия институти «Камолот» бошлан-

**2005 — Сихат-саломатлик йили**

**СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ**

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида «Кўкалдош» Тошкент ўрта махсус ислом билим юртида ҳам бир қанча тадбирларни ўтказиш йўлга қўйилиб, улар режа асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Соғ танда — соғлом ақл, деганларидек билим юрти раҳбарияти томонидан барча устоз ва талабаларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш намунали йўлга қўйилган. «Жисмонан баркамол бўлайлик», «Соғ танда — соғлом ақл», «Поклик — иймондандир», «Ислом дини ва шахсий гигиена қонун-қоидалари» каби мавзуларда талабалар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, рефератлар ёзиш ташкиллаштирилган. Кунги кеча шаҳар Саломатлик маркази услубчи шифокорлари иштирокида турли юқумли касалликлар, ОИТС, таносил касалликлари бўйича тушунтиришлар бериш мақсадида тадбир ўтказилди. Тадбирда ёшларимиз ўртасида тарқалаётган касалликлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан маърузалар тингланди. Билим юртининг барча талабалари синг касаллигига қарши эмланди.

Билим юртида талабаларнинг соғлом тарбия топишлари учун тиббий кўриқ хоналари замонавий техника асбоблари билан таъминланган. Жисмоний тарбия ишлари ҳам намунали даражада олиб борилмоқда. Жумладан, билим юрти талабалари туман академик лицей ва коллежлари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинадиган қатор нуфузли мусобақаларда иштирок этиб юқори ўринларни кўлга киритиб келмоқдалар. Шунингдек, талабалар футбол, волейбол, теннис, тош кўтариш, кураш, шахмат каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Билим юрти раҳбарияти билан ЖАР спорт соғломлаштириш комплекси ўртасида шартнома тузилган бўлиб талабалар бир қанча машгулотларни шу ерда ўтказдилар. 150 нафар талаба-ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада орттириш мақсадида шаҳримиздаги Тошкент Ислом университети, академик лицей ва коллежлар ўртасида турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Хозирда ички босқич спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Билим юртининг ахил жамоаси ёшларни келажақда соғлом, бақувват, баркамол, Ватан фидойиларида бўлиб етишларига бор куч-ғайратлари, имкониятларини ишга солган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

**Абдухалиқ ЖЎРАЕВ**

**ЯНГИ ЛУҒАТ ЧОП ЭТИЛДИ**

Жамият ривожининг бугунги босқичи бевосита технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технология жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказгани каби, ахборот узатиш тизимига ҳам тобора янги ўзгаришлар олиб кирмоқда. Шундайлардан бўлмиш Интернет, аynи даврда дунё бўйича жадаллик билан глобал аудиторияни эгаллаб бормоқда.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, радионинг оммавий аудиторияни жалб қилиши учун 40 йил керак бўлди, телевидение эса буларга 14 йилда эришди. Интернет тизимининг дунёвий аудиториясини жалб қилишига 4 йил кифоя қилди. Ўзбекистонда ҳам Интернет тармоғининг ривожланиб бориши кўзга татилмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 715 мингдан ортқк кетди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоиз кўндр. Интернет тармоғи инсоннинг дунёқарашини тобора ўзгари-

риб бормоқда. У қундалик ҳаётда ўзи билан биргаликда кўп ижобий афзалликлар олиб килмоқда. Интернет ўзида нафақат матбуот, балки радио ва телевидение имкониятларини ҳам мўжассам этмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бироқ АКТ соҳаси жуда тез ривожланиб бориши сабабли бу соҳада кеча эгалланган билим ва малака бугунги кунга тўғри келмай қоляпти. Барча соҳаларда бўлгани-

**Дилфуза ОЧИЛБОВА,**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

**Марказлар фаолиятида**

**БАРКАМОЛ АВЛОД МАЪНАВИЯТИ ЙЎЛИДА**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятга муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи тарбияси оғир воёга етмаган болалар билан ҳам тарбиявий ишлар олиб боришдан иборатдир.

Шу ишларни амалга ошириш мақсадида ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи воёга етмаган ёшлар учун «Камолот» ЁИХ шаҳар ва туман бўлимлари томонидан «Харбий спорт» оромгоҳи, тарбияси оғир воёга етмаганлар учун мўлжалланган меҳнат колониясига экскурсиялар ҳамда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими биносида компьютер курслари ташкил этилган.

Жумладан «Харбий спорт» оромгоҳида ҳар йилнинг ёз мавсумида тарбияси оғир, ички ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турувчи воёга етмаганларни 11 та тумандан жадвал асосида дам олиш, ҳарбийча руҳда тарбиялаш мақсадида иш ташкиллаштирилди. Бунда ҳар бир бола ота-онасидан йироқда харбий хизмат қандай ўтиши ҳақида оғзинга бўлса ҳам тасаввурга эга бўлади. Гуруҳларга бўлиган воёга етмаганлар харбий хизматдаги акалари қаторида эрта туриб бадантарбия машқулати, саф тортиб юриш, спорт ва харбий машгулотларни эгаллаш, харбий машқулатлар ўз маҳоратларини синаб кўришга мўяссар бўладилар.

— Тадбирлардан яна бири, бу — Зангиота туманида жойлашган меҳнат колонияси билан таништиришдир. — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими «Маҳалла умидлари» маркази раиси Шаҳноза Умарўжаева. — Бу экскурсиялар ҳар бир туманда ҳар чоракда уюштирилиб борилади. Таништириш чоғида ўз жам муддатини ўтаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг шароити, овқатланиш, яшаш муҳити ҳақида ёшларда муайян тасаввур ҳосил бўлди. Ва келажақда шу ёшларга

ўшаб жиноят содир этмаслик, унинг олдини олишни мақсад қилиб ўзларига керакли хулосаларни чиқариб оладилар. Мисол учун экскурсия чоғида колонияга кириб бормасдан олдин бир ўсмир, ўқишнинг кераги йўқлиги, ҳамма нарса пулга боғлиқлиги, пул билан, зўравонлик йўли билан ҳаммасига эришса бўлади, деган бўлса, у ердаги ҳаётни кўриб, жазони ўтаётган ёшлар билан суҳбатдан сўнг фикри ўзгариб, мен ўқийман, келажақда яхши юрист бўламан деб ҳитоб қилди. Бундай экскурсияларни уюштириш тарбияси оғир ёшларга сабоқ, ўрнатқ бўлишига умид қиламиз.

Яна бир тадбир ҳақида тўхталадиган бўлсак, хозирги замонавий технология тараққиёти даврида компьютерга қизиқиш ёшлар ўртасида кенг тарқалган. Шунини эътиборга олиб, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлимида кам таъминланган ҳамда тарбияси оғир болаларга бепул ўқув курслари ташкил этилган. Яқинда ҳар бир тумандан 12 нафардан ўсмирлар жадвал асосида компьютер бўлимида сабоқ олиб, сертификатга эга бўлдилар. Бу ўқув курси, оромгоҳда дам олиш, экскурсияларнинг ҳаммаси бепул, барча ташкилий ишлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари томонидан амалга оширилади.

**(Ўз муҳбиримиз)**  
**СУРАТДА: «Маҳалла умидлари» маркази томонидан ўтказилган тадбирдан лавҳа.**



Шуни айтиш керакки, Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари остида мамлакатимизда соғлом ва ҳар томонлама билимли ёш авлодни камол топтириш йўлида барча имкониятлар ишга солина бошланди. Жаҳон андозаларига мос равишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизими жорий этилди. Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўз аксини топди. Бугунги кунда шаҳримизда янги турдаги ўқув юртлари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг сони 120 га яқиндир. Уларнинг аксарияти алоҳида лойиҳалар асосида барпо этилди.

Мишло Улугбек туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги касб-хунарга йўналтирил ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейи ҳам Мустақиллик шарофати билан янги қиёфа ва замонавий йўналишларга эга бўлган таълим масканлари сирасига қиради.

Республикада ўз йўналиши бўйича ягона ҳисобланмиш мазкур лицейда дастурловчи, иқтисод, автотехника, радиотехника, бадий дизайн, кийим модели, кулинария, тиббиёт каби 24 та ихтисослик бўйича чуқур таълим-тарбия берилади.

Икки оғиз ушбу ўқув масканининг тарихи хусусида тўхталадиган бўлсак, у 1979 йилда ўқув-ишлаб чиқариш комбинати сифатида ташкил топган. 1992 йили технология коллежга айлантирилди. 2002 йилдан бошлаб ўзининг ҳозирги йўналишига эга бўлди.

Лицейга 7 ва ундан катта ёшдан болалар қабул қилинади. 6-9-синфлар ўқувчилари учун эса ҳар хил соҳалар бўйича таништирув курси йўлга қўйилган. 10-11-синф ўқувчилари ушбу ўқув масканида ўзлари танлаган хунарларини чуқур ўзлаштиришади. Юқори синф ўқувчилари учун автотранспортни бошқариш курслари ҳам ташкил этилган. Ўқишни битиргандан сўнг, ўсмирлар ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ҳамда "В", "С" тоифали ҳайдовчи гувоҳномасини олишади.

Моддий-техник базанинг яхшилиги, касбга йўналтириш бўйича бой материал тўпланганлиги, психология-педагогик хизматнинг

юқори даражада йўлга қўйилганлиги мазкур лицейнинг ўзига хос хусусиятлари сирасига қиради. Олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан мустахкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир-

ли ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори барча устозларимизнинг ўз устларида яна кўпроқ ишлашлари ва маҳоратларини оширишларида муҳим омил бўлади деб ўйлайман. Ушбу лицейда ўқиб замонавий касб-хунарлар асосини эгаллашни истовчи ёшлар кўплаб топилади. Бинобарин, бу

каби ўқитувчилар ўқув дарсликларига ҳамда тарбиявий, ўқув-услубий дастурлар муаллифларидир.

Ушбу ўқув даргоҳининг шаҳримиз лицейлари ичида энг яхши техник-таълим базаларидан бирига эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, машгулотлар иккита бинода бўлиб ўтади. Биринчи бинода умумтаълим фанлари бўйича дарс олиб борилса, иккинчисидан назарий ва амалий машгулотлар ўтказилади. Касб-хунар корпусида авточилангарлик, фрезерлик токарлик, чилангарлик устaxonалари, тикувчилик, қандолат-кулинария цехлари жойлашган. Амалиёт хоналари ва компьютер синфларига ўрнатилган 74 та замонавий компьютер доимо ўқувчилар хизматида. 4 мингдан ортиқ китоб ва дарсликларни ўзига жамлаган 2 та кутубхона ҳам доимо ўқувчилар билан гавжум бўлади.

Соғ танда-соғлом ақл, нақлига амал қилган ҳолда ўқув юртида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилади. Битта асосий, тўртта тренажёр залида ҳар хил спорт турлари бўйича секциялар иши йўлга қўйилган. Шунингдек, мактаб ёшига етмаган болалар учун мамлакатимизда ягона бўлган "Малышок" тренажёр зали фаолият кўрсатади.

Дарсдан бўш вақтларида ўқувчилар турли фанлар, рақс, расомчилик ва бошқа тўғарақларга қатнашадилар. "Ёш сайёҳлар" тўғраги аъзолари бу йил шаҳар бўйича ўтказилган танлов ғолиби бўлдилар. Касб-хунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейининг келажакка йўналтирилган режалари ҳам бисёр. Жумладан, касбга йўналтириш бўйича 24 йўналишни 32 та йўналишга етказиш, касбий маълумотни 5-синфдан эмас, 1-синфдан бошлаш, лицейнинг ўз автомайдончасини қуриш шундай режалар қаторига қиради.

Биз лицейдан қайтар эканмиз, педагогик жамоаси доимий изланишда бўлган, яратилган мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган шундай намунали ўқув масканлари кўпаяверсин, деган ниятни билдирдик.

**Иброҳим СУЛТОНОВ**  
**СУРАТЛАРДА:** лицейда ўқувчиларнинг турли касб-хунарларини эгаллашлари учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган.

Ҳақимжон Солиҳов  
олган суратлар

*Таълим тизимидаги ислохотлар — амалда*

## БУ ЕРДА ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРНИ ЎРГАНИШАДИ

Ҳар бир бола ўсиб-улғаяр экан, унинг олдида "Келажакда ким бўлсам экан?" деган савол пайдо бўлади. Дарҳақиқат, жамиятнинг ривожига ҳам биринчи навбатда ёшларнинг қанчалик замонавий билимларини эгаллаб, камол топишларига, бу борада уларга тегишли шарт-шароитлар яратиб берилишига боғлиқ десак адашмаймиз.



лигининг ҳарбий госпитали, Тошкент умумқўшин қўмондонлиги ҳарбий билим юрти, "Шарқ аёли" халқаро ижтимоий фонди, шаҳримиздаги 38 та умумтаълим мактаблари шулар жумласига қиради.

— Янги педагогик технологиялар, педагоглар билан ўзаро алмашиш, амалий машгулотларни ўтказиш учун яхши базанинг мавжудлиги турли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришимизда қўл келмоқда, — дейди ўқув маскани директори Борис Яковлевич Бляхер. — Чунончи, тиббиёт соҳасига йўналтирилган ўқувчиларимиз поликлиникада амалий машгулотларини ўтаб, билим ва кўникмаларини ошириб борадилар. Ўз навбатида Тошкент умумқўшин қўмондонлик ҳарбий билим юрти ҳамда Тошкент Давлат педагогика университети талабалари амалиётларини лицейимиз қошида ўтайдилар. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар бизнинг ўқув юртимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Айниқса, Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган "Халқ таъли-

йил 1050 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди. Ёшларни олий ўқув юртига тайёрлаш мақсадини ўз олдида қўйган лицей ўқувчилари ҳар йили туман ва шаҳар миқёсида барча фанлардан, республика бўйича эса иқтисод ва ЭХМда дастурлаш бўйича олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Улар кўпчиликни ташкил этади. Лекин биз фақат битта иқтидорли ўқувчини мисол сифатида келтириб ўтмоқчимиз. Изланувчан Вячеслав Курило 9-синфда ўқиб юрганида информатика бўйича туман олимпиадасида ғолиб чиққан бўлса, 10-11-синфларда эса шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Ўқувчиларнинг бундай муваффақиятларга эришишларида шубҳасиз, тажрибали устозлардан иборат педагогик жамоанинг ҳиссаси катта албатта. Ҳозирда бу ерда жами 125 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 16 тасини олий тоифали, 39 нафарини биринчи тоифали устозлар ташкил этади. Ўқитувчиларнинг 14 нафари халқ таълими аълочисидир. Н.Сергеева, О.Казанкова, В.Швец

## Соҳибқирон Амир Темур таваққулини 670 йиллиги олдидан ТАРИХИМИЗНИНГ ЗАРВАРАҚЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси 2005 йил 26 июлда «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» муҳим қарор қабул қилди. Унда 2006 йилда буюқ давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчиликнинг асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваққулига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши қўзда тутилган. Шу муносабат билан Халқаро Амир Темур жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Темирийлар тарихи Давлат музейи, хусусан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда қизгин фаолият олиб бормоқда. Табаруқ санана нашр этилиши лозим бўлган китоблар, илмий тадқиқотлар белгилашиб, конференциялар, урғушувлар ўтказиш, хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириш ҳақида режалар тузилмоқда.

Ана шу режалардан ўрин олган муҳим асарлардан бири машҳур муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг «Тўлиқ исми — Камолиддин Абдураззоқ ибн мавлоно Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий, 1413-1887/ «Матла-и саъдайн ва мажма-и баҳрайн» асари ҳисобланади. Унинг маъноси, икки саодатли юлдузининг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши жойи, демакдир. Икки саодатли юлдуз — Амир Темур Мирзо, икки денгиз деганда икки буюқ салтанат назарда тутилади. Тарихимизнинг зарварақларидан бўлган ушбу асарнинг иккинчи жилди Шоҳрух Мирзонинг тахтга ўтирган пайти тасвири билан /1405/ бошланади.

Асарнинг форс тилидан ўзбек тилига таржимасини атоқли темирушу-

нос олим, Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Асоимиддин Ўринбоев амалга оширди. Кези келганда шунини айтиш керакки, алломаиз жасорат билан 1972 йилда Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» қатмиелесини нашр этдиргани учун ўша давр мафқураси томонидан фатма дашномлар кўрган эди.

«Матла...»нинг ҳажми саксон беш босма табоқдан иборат. Унда Амир Темур давридан то Хусайн Байқоро ҳукмронлиги бошларига бўлган даврдаги /1405-1470/ темирийлар давлати, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда рўй берган воқеалар солинма тарзда йилма-йил баён қилинган бўлиб, тарихимизнинг муҳим босқичлари ҳақида ёрқин тасаввур беради. Муаррих ўша даврдаги маданий ҳаёт ҳамда темирий ҳукмдор ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятини тасвирлашга катта аҳамият берган. Масалан Маъшаддаги Гавҳаршодбегим мадрасаси қурилиши, Марв шаҳрининг Шоҳрух Мирзо томонидан обод этилиши, Мирзо Улугбекнинг Самарқандда расадхона қуриши каби воқеалар тафсилотларини ушбу асарни беэоб тўрибди. «Матла-и саъдайн ва мажма-и баҳрайн» асари Ўзбекистон тарихининг нисбатан кам ўрганилган даврига бағишланган бўлиб, унинг нашри XV аср Марказий Осиё тарихини Ўзбекистонда янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ қилинишига шараит яратяди.

Жамғарманинг илмий кенгаши тавсияси билан мазкур нобб асардан айрим бобларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

**Муҳаммад АЛИ,  
Халқаро Амир Темур жамғармаси Бошқарув раиси,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

мирзо Улугбекга ваъз-насихатлар юбориб, тасалли ва таскин берди.

Яна Шероз томондан миэрзо Иброҳим Султоннинг ўғли шаҳзода Исмоил Султон жаннат бўстонига жўнаганлиги, миэрзо Иброҳим Султоннинг марҳум шаҳзодадан бўлак фарзанди бўлмаганлиги учун, у жуда қаттиқ ғаму андуҳга ботиб, мамлакатни идора қилишдан қўл тортиш хавфи борлиги ҳақида хабар келди. Ондазрат бир яқин кишинини Шерозга боришга номозд қилиб, миэрзо Иброҳим Султонга кўп насихатлар қилиб, давлатнинг муҳим ишлари билан шуғулланишига жалбат этишни буюрди.

Яна шу йилги улуғ насабли ифодатдўй Хожа Соинуддин Али Исҳоқийнинг ўн тўртинчи зу-л-ҳижжада /

дарнинг ўғли амирзода Ёр Алини тутиб боғлаб, денгиз йўли билан олампапоҳ даргоҳга юборди. Ҳазрат ҳокони саъид Ёр Алига меҳрибонлик кўрсатди ва у бир неча вақт шаҳзодалар жарғасида улар билан бир қаторда юрди. Аммо турку тозилардан иборат яқини кишилардан бўлмаган бир тўда алдамчи ва бебошлар унга таъсир ўтказиб доимо у билан суҳбатда эдилар. Ҳазрат ҳокони саъид Озарбойжон туркмонлари эл-улусидан кўп кишиларни хона кўч қилиб Хиротта келтирган эди. Ўша кунларда Сайид Гиёсуддин Яздий ҳукмига мувофиқ у жамоат ўлиган девонга тегишли саройлар ва бошқа мазъеълари текшириб чиққан эди, ўн мингдан ортиқ хонадон хатта олтинди. Бундан бир фитна кўзғалишини тасаввур қилиш мумкин эди.

Шу ахвол асносида бир кун ибн Абдуллоҳ Фароқ рихтагар<sup>2</sup> ишлаган ва тўрт юз ман оғирликдаги тошни итқитиб юборди, деб даъво қилган камони раъд-чакмақ камони кўздан кечириб учун отга минди. Тонинг шимолида жойлашган ва тош отилиши мўлжалланган Улвигоҳга шаҳрининг бутун аҳолиси йиғилиб тўпнанишга эди. Ондазрат бир тепалик устида тамошо қилиб турган эди, ногоҳ амирзода Ёр Али пайдо бўлди. У ҳусну латофатда етук, жуда чиройли ва гўзал бир йиғитча эди. Уни кўрган шаҳр аҳолиси ҳаммаси бирданга беихтиёр унга қараб югурди, чакмақ камон ҳам унинг тамошосини бир томонга қўйиб, Ёр Алининг пайида бошларини йўқотдилар. Бу ҳолини кўрган ҳазрат ҳокони саъиднинг ҳумон хотири ўзгариб, султонлар па ноҳи бўлиши боргоҳга қайтиб келгач, амирзода Ёр Алини бандга олишга буюрди ва ўша кунидеё Самарқанд томонга жўнатди, - мисраъ,<sup>3</sup> чуқки фитна бошлиқнинг сазоси банду зиндондир.

Маҳди Улғ Гавҳаршод оқа Хиротнинг шимолда Сари Пули Инжилда қурдиратгани олий мадраса ва улғвор иморат шу йили тамоламан. У шундай бир иморатки оламнинг бутун юмқвор ерларида унга ўхшаши топилмайдди. Исҳоқ фикрли чапдаст усталар бу иморатнинг латофат ва матонатини диққат назари томошосини учун бир манзара қилиб, унга бир балан-длик баҳш этганлар ҳамда ҳунармандчилик асосини шу қадар юқори кўтарганларки, агар унинг шарҳ ва таърифини баланд осмон девонининг равшан фикрли дабири қуёшнинг зарҳалидан сиёҳ қилиб гавҳар ёғдирувчи қалами билан нури ойнинг қумушранг лавҳасига ёкса ҳам арзийди; балоғат осмонининг ёруғ юлдузлари бўлиши етти иклим адилбарининг сўз беэовечилари агар ҳажонни кўрувчи кўз қоралигидан сиёҳ сазиб инфофининг дур сочувчи қалами билан кўзининг кофурий<sup>1</sup> оклигига ёвсалар ҳам лойиқдир. Шюя у иморатнинг васфидан бир қатрасини ушбу байтлар билан баён қилиш мумкин бўлса.

**Форсчадан Асоимиддин ЎРИНБОВ  
таржимаси.**

<sup>1</sup> Ҳокони саъид: «Бахтли ҳокон» - Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзонинг тахтга ўтиргандан сўнг олган лақаби.

<sup>2</sup> Мавқаб — подшоҳ ўрдуси.

<sup>3</sup> Шайх Абу Саъид ибн Абдул Хайр (967-1049) тасаввуфнинг машҳур пешволаридан бири. Шунингдек, юзлаб гўзал рубоийлар яратган шoir сифатидан ҳам машҳурдир.

<sup>1</sup> Жарга — саф, қатор

<sup>2</sup> Рихтагар: «Қуловчи» маъносига бўлиб, маъдандан ўстичлар қуроллари рясайдиган усталарга нисбатан атайилган.

**Давоми кейинги сонларда.**

### Шарқ дурдоналари



• Ҳар бир одам аввал ўзининг ташки кўриниши, кўй-фасига қараб қабул қилинади, ammo кейин тарбияси ва фазилатига қараб тақдир этилади.

• Ижроси мушкул фикрни хотирангидан чиқаринг. Ўзи тушунмаган сўзга аралашган киши беҳуда ўқ узган очвигча ўхшайди.

• Улфатни шартли қулфатни тарқ қилишдир.

• Қуёш нури ифлос жойга тушгани билан қадрсизланмайди.

• Эй фарзанд, қилган аҳднинг, ваъданига ваъфо қил. Ваъдага вафо қилиш — жувонмард ва комил эгаларининг иши, мақташга лойиқ бўлган атоқли зотларнинг ҳислатидир. Ўзи вафо холи билан беэалган одам ҳамма кўнглин хушини ўз муҳаббатига тузоғига илинтиймасдан қолмайди. Ваъдасига вафо қилмаган киши ўзи обрўсини йўқотди. Эй фарзанд бир кишига ваъда берсанг вафо қил. Оқил киши бажаришига кўзи етадиган ишга ваъда беради. Ваъда бериб қўйиб уддасидан чиқа олмай шарманда бўлишдан ёмон нарсга йўқ, шунинг учун кучинг етмаган нарсга ваъда берма.

**Вафо йўлида**  
собитқадам сен,  
**Ки ҳеч вақт**  
кўрмагайсан ранжу  
гам сан.  
**Будур пандим сенга,**  
зинҳор-зинҳор,  
**На аҳд этсанг,**  
вафосин қилгил изҳор.  
• Бир донишманддан сўрайдилар:  
— Дунёда инсон учун энг яқини нарсга нима-ю энг ёмон нарсга нима?  
Донишманд жавоб берди:  
— Дунёда инсон учун энг яқини нарсга гўзал ахлокли, тарбияли, сай-гайратли бўлиб, шу гўзал ҳислатлари билан ном чиқариш. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарсга эса ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир.  
— Энг ақли одам ким?  
Донишманд айтди:  
— Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақли ҳисобланади.  
• Арасту Хақим айтади:  
Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир, чуқки у бечора бахтли одамларни кўролмай, ҳасад тўфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юқини ўз устига ортиб юради.  
• Исроф—ўринсиз ва фойдасиз ерларга пул ва мол сарф қилишдир. Қўлда бўлган пул ва молни керакли жойларга сарф эта билиш, яқини идора қила олиш учун исрофдан сақланиш лозим. Шухрат қозонмоқ учун такаллуфлик ва тантанали тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этиш қондликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига таъма ва ҳасад қилиш келиб чиқади. Шунинг учун исрофдан сақланиш лозимдир.

**Байт:**  
**Сен агар исроф**  
**этишни ташладинг,**  
**Ул замон давлат**  
**этагин ушладинг.**

## «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН» АСАРДАН БОБЛАР

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

12 август 1432/ доруссалтана Хиротда вафот топди. Бу Хожа Соинуддин уламоларнинг энг фозили ва фузалоларининг энг комили эди. Унинг турли илмлар бўйича араб ва форс тилларида ёзилган асарлари бўлиб, улар гўяда латофатли ва ниҳоятда балогатлидир. Агар қимматки бахт ёрлик қилиб унинг гавҳар сочувчи қалами билан битилган «Шарҳи фусул ал-ҳажам», «Китоби мафохиз», «Шарҳи қасидайи Ибн Фориз» асарларини мутлоаа қилса юқоридики даъонинг тўғрилиги унинг инсоф назариде, - мисраъ,<sup>1</sup> офтоб шуъласидек равшан бўлгусидир.

Яна шу зу-л-ҳижжа ойининг ўн тўққизинчисиде /17 август 1432/ менинг энг катта биродарим, долиншманд маҳдум мавлоно Жамолуддин Абдулғаффор ибн мавлоно Жалолуддин Исҳоқ ал-қаззалимлар ва яқини биллиларини бўйича тўла маҳоратга эришган, ўз яқинлари орасиде пешкадам ва тенгқурларидан ўттир эди. Жаноб мавлоно Рукнуддин ал-Хавофий ва мавлоно Жалол Юсуф ал-Убаҳийлар менинг акам учун ифодат - дароғуслик қилишга олий ихосат берганлар, уларнинг барчасига Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!

**Байт:**  
**Жаҳоннинг барча ишлари**  
**саранжом топади**  
**Билимдон олимлар**

**билими нури билан.**

## САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ (1432-1433) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ АМИР ЁР АЛИ ТУРКМОННИ ХИРОТТА КЕЛТИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Иззат-ҳурматга сазоворлиги шарҳу баёнга муҳтож бўлмаган, бу саҳифаларда шюяд ундан бир озгинаси қайтадан арз шарофига етиши мумкин бўлган, ҳазрат соҳибқирон хонадонига нисбатан ҳаммаша қаттиқ ихлосманд жанглиқларини амалда кўрсатиш билан безантириб, ўзларини ондазратнинг махсус кишиларидан деб билувчи шервонийлар<sup>1</sup> хонадонига тегишли амир Халиуллоҳ Шервоний туркмон шу кунларда отасидан қочиб, унинг ҳузурига келган амир Искан-

## САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ (1431-1432) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ САРАҲС ТОМОНГА ҲУМОЮН ЮРИШ ЗИКРИ

Ҳазрат ҳокони саъид<sup>1</sup> хушнинг охириларига тўғри келган жумод ал-аввалнинг ўрталарида /19 январь 1432/ қўшламишиши ва қўш солишга жами қилиб Сараҳс вилоятига жўнади. Ҳабаба ёр мавқаб<sup>2</sup> губорни у мулк аёнларининг кўзини равшан қилган, бир неча кун юлдузлар хусравни /қуёш/ каби фалақанин кўк тулғори устига мичиб, саҳро ва биёбонлар бўйлаб чопди ҳамда қўш солиб, қорлонит қулаптиб ҳар тарафда кўп ов қулатди, сўнг, Сараҳс саҳроси юлдузларча оғуловлар изига тўлган ва атроф ерлар барчаси ваҳшат ҳайвонлари қўшлардан холи бўлган, оқс-азрат муборак Миҳна томон жўнаб тариқат султони, ҳақиқат ҳижзати, яхшилиги ёмонликдин дарак бера олувчи Шайх Абу Саъид ибн Абду-л-Хайрийн<sup>3</sup>, - иккаласининг руҳи пок бўлсин, - мазорини/ зиёрат қилиш саодатига эришди, оқс-азратнинг иноят офтоби у нурли маконнинг соқинлари устида порлади, зиёрат одобини лозим тарзда адо этди, подшоҳона луфт-марҳамат у ердиги фақирлар ва дуюғийлар учун фотиҳа ва садақалар иноят қилди.

Шу ахвол орасиде миэрзо Улугбек қиллов қилиб турган ери Бухоридан олий ўрду томон юзланиб бузургвор отаси ва замона Жамшиди /Шоҳрух/ га мулоазмат қилиш давлатига етишиш билан сарафроз бўлди. Ондазрат саодатиманд фарзандига нисбатан подшоҳона совғалар ва хусравона тўқ-фалар тақдим этиб қайтиб кетишига ихосат берди.

Фармонга мувофиқ Мозандарон мамлакатиде қилшаб турган миэрзо Бойсунғур шу кунларда ўзининг ўғли миэрзо Султон Муҳаммад ибн ўрдуга юборди; бахтиёр ҳокон /Шоҳрух/ шаҳзодаи меҳрибонлик оғушига олиб у диёр аҳолидан савоб қилди. Шаҳзода у ер кемишлари шарфини дилга ёқимли йўсулда шундай бир наъда баён қилдики, бузургвор бுவаси бахтиёр ҳоконнинг иноятига муассар бўлди. Шаҳзода кичик ёшли эканлигига қарамай оқс-азрат унинг ширин сўзлиги, юриш-туришининг мактовли ва ботамкинлигини ҳамма вақт кузатиб турар эди. Шаҳзода мулоазмат қилиш расми бўйича тараддудда эканлигиде оқс-азрат: «Бойсунғур келаяпти» деб айтди. Ҳақиқатан ҳам, - байт,<sup>4</sup>

**Ўғил ўз отасининг нишонига**  
**ага бўлмаслиги мумкинми?!**  
**Сен уни бегона дегин-демагин,**  
**у йилдир!**

Келгусини олдиндан билувчи раъйи шикор хуррамлигидан фароғатга эришгач, давлати саодат жиловини салтанат пойтахти томон бурди ва шаъбон ойининг бошлариде /3 апрель 1432/ кўмак етказувчи малик /тангри/нинг иноят кўрсатиш замонида доруссалтана Хиротга келиб тушди. Миэрзо Бойсунғур Мозандарон вилоятидан қайтиб пойтахтга етиб келди ва ҳазрат ҳокони саъидга мулоазмат кўрсатиш саодатига мушарраф бўлди.

Шу орада Самарқанд томондан миэрзо Улугбек кўрагонинг ўғли шаҳзода Абдураҳмон вафот топганлиги ва миэрзо Улугбек у бекик дур фироқида бағоят ғамгин ва маҳзун эканлиги ҳақида хабар келди. Ондазрат «Биз Оллоғга тегишлимиш ва унинг ўзига қайтамиш» деган оятни гавҳар сочувчи тилига келтириб, муътабар кишилардан бирини аза билдириш учун Самарқанд томон жўнатди ва у орқали

Спорт

ЧЕМПИОНЛИК САРИ ДАДИЛ КАДАМ

Эркалар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати суперлигасининг биринчи тур учрашувлари нихосига етди.

Шуни айтиш керакки, бу йилги мавсумда икtidорли мураббий Гарри Багиров етакчилигидаги шаҳримизнинг "Омад" жамоаси ўзининг энг яхши жиҳатларини намоён қилган ҳолда мамлакат чемпионлигини қўлга киритиш мақсадида дадил одимламда. Асосан еш, умидли спортчилардан иборат "Омад" жамоасининг кўччилик ўйинчилари терма жамоа сафларидан ўрин олган.

Кўччилик мутахассислар ва мукхлислар ўтган йилги чемпион ва узоқ йиллик пешкадам — Самарқанднинг "Ўзи Самарқанд" жамоаси бу йил ҳам ғалаба қозонса керак деган фикрда эди. Бирок жамоада кечаётган авлодлар алмашинуви жараёни командани бир оз булшатириб қўйди. Ҳар ҳолда "Омад" ва "Ўзи Самарқанд" жамоалари ўртадаги учрашувлар кўн нарсани ҳал этиши кўтилганди.

Икки учрашув натижаси гўёки жамоалар кучи тенг эканлигини кўрсатгандек эди. Зеро, дастлабки ўйинда 3:1 ҳисобида самарқандликларнинг кўли балоид келган бўлса, иккинчи ўйин худди шундай ҳисобда ҳамшаҳарларимиз фойдасига якунланди.

"Ўзи Самарқанд"нинг Олмалик кон-металлургия комбинати жамоасига 3:2 ҳисобидаги яна бир мағлубияти команданин иккинчи ўринда мустақамлаиб олишини таъминлади.

"Омад"нинг қолган барча учрашувларда ишончли ғалабаларга эришиши, жумладан энг кучли клублардан бири ҳисобланмиш Олмалик кон-металлургия комбинати командасини кескин ва муросасиз кечган икки баҳс натижасига кўра бир хил — 3:2 ҳисобларида мағлуб этиши биринчи тур натижаларига кўра унинг ўн икки имкониятдан ўн бир очко жамаришига замин яратди. Натижада ҳамшаҳарларимизда турнир жадалида қаровбошлиликни қўлга киритган ҳолда мамлакат чемпиони бўлиш борасида катта имкониятлар пайдо бўлди.

Эркалар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати суперлигасининг кейинги тур баҳслари Олмалик шаҳрида бўлиб ўтади. (Ўз мухбиримиз)



Шубҳасиз, ўтган шанба ва яшанба кунлари барчамизга аjoyиб спорт байрамидан баҳраманд бўлиш nasib этганини ҳеч қим инкор қилмайди. Тошкент иккинчи марта кураш бўйича жаҳон чемпиониатига мезбонлик қилди. Қизгин баҳсларда Ўзбекистонлик полковник катта муваффақият қозонди.

Бунинг натижаси уларок бешинчи жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мадҳияси етти мартаба янгради. Бир қатор халқро мусобақалар совриндори Абдулла Сангриевнинг ўз вази ҳамда мутлак вазн тоифасидаги беллашувларда ҳалол усулида устун келиб, икки марта жаҳон чемпиони бўлгани эса кўччиликни лол қолдирди.

Шу ҳафтининг кейинги икки кун давомида эса жаҳон чемпионати доирасида Кураш халқро ассоциацияси (КХА) ижроия кўмитасининг кенгайтирилган йилгилиши ва олтинчи конгресси ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда ички вазибалар қаторида кураш ривожига оид кенг қамровли масалалар ҳам кўриб чқилди.

Кураш халқро ассоциацияси президенти Комил Юсупов мажур ташкили тадбирлар кун тартибли хусусида қисқача тўхталиб ўтиб, конгресс аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов номига бугун дунёда кураш ривожланишига қўшаётган бевосита ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирилган хат йўллаганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мақсубда шунингдек Кураш халқро ассоциацияси ижроия кўмитаси аъзолари яқин келажақда кураш Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиши учун бор имконият ва кучларини сафарбар этишлари хусусида истақ ҳам билдиришди.

Даржақият, миллий курашимиз жаҳонга юз тутмоқда, у барча китъаларда тан олинган. Қуворнарсиз шундаки, кураш дипломатик вазифини ҳам аъло даражада ўтамоқда. Бунга шаҳримиз меҳмонининг қўйилган фикрлари ҳам далолатдир.

Британия кураш уюшмаси ўз фаолияти жиҳатидан учинчи ўринни эгаллайди, — дейди мамлакат кураш терма жамоаси мураббийси, БКУ вакили Миллел Жойис. — Бизда ҳар йили кураш бўйича улаб минтақавий ва халқро даражадаги мусобақалар ўтказилиб турилади. 2000 йилдан бун анъанавий равишда ҳар йили бўлиб ўтадиган Ислам Каримов турнири эса энг нуфузли мусобақалардан биридир. Мураббийлик қилмасда, бу йилги жаҳон чемпионатида ўз вазини бўлиш мусобақада катнашиб, учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Шогирдим Даррен Ричардсон ҳам эркалар ўртасидаги мусобақаларда бронза медали сохиб бўлди. Аслида Шимоллий Ирландияданман. Бир пайтлар минтақа доирасида ички сибсий муаммолар юзага келиб, улар спортга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаганди. Натижада бу соҳада гурӯхбозлик кузатила бошланди. Мамлакатимизда миллий спорт тури бўлмаган. Кураш кириб келиши билан вазиат ижобий томонга кескин ўзгарди. У барча гурӯхларни ягона даврага бирлаштириб, ҳаттоки машқ жараёнларини ҳам биргалиқда ўтказишга туртки берди. Демокримани, фақат кураш туйғайлигина биз ўзаро ҳамжиҳатликка эришдик...

Кураш халқро ассоциациясининг галдаги

конгрессида КХАнинг янги аъзолари — федерациялар тасдиқланди. Бугунги кунда кураш федерациялари 77 та давлатда мажур бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам КХАга аъзо эмас эди. Конфедерациялар, яъни китъаларро ташкилотлар тавсияларига биноан олтинчи конгресс 32 та федерацияни КХАнинг доимий аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

КХАнинг бош ҳужжати — Низомига ҳам бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Милумки, низом 1998 йили, яъни Кураш халқро ассоциацияси ташкил қилинганидан бошлаб амалда бўлиб келмоқда ва шу кунга қадар дастлабки ўзгаришлар 2000 йилда бўлиб ўтган тўртинчи конгрессда киритилган эди.

— Барча соҳалардаги каби вақтининг ўзи уюш-

бошида болалар ўртасида халқро Ислам Каримов турнирини ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

— Бундай қарорга келишимиздан аввал кўп мезонлар амалда тасдиғини тоғимро лозим эди, — дейди Осиё кураш федерацияси президенти Мукеш Кумар. — Айтиб ўтиш жоизки, китъамиз даражасида кураш тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Бу йилги чемпионатда биз энг кўп спортчи ва расмий кишилар билан катнашдик. Афғонистонда мамлакат кураш федерацияси 2002 йилда ташкил тоғлан бўлса, бугунги кунда унга 42 вилоят аъзо бўлмоқда. 3600 дан зиёд киши профессионал даражада кураш билан шуғулланиди. Кураш бўйича 37 та клуб расмий равишда ташкил этилган. Афғонистон жамоаси кўплаб минтақавий ва халқро мусобақалар иштирокиси ва совриндоридир. Бу йилги жаҳон чемпионати ушбу мамлакат жамоасига дастлабки катта ютуқ — бронза медалини келтирди. Бундай муваффақият мутахассислар ҳамда томошабинлар томонидан ҳам эътироф этилди. Буларнинг ҳаммаси Бировардида келгуси йили Кобул шаҳрида галдаги китъа чемпионатини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлди.

Доминикан Республикаси, Венгрия ва Мўлуистон - улта номзод мамлакатлар Доминикан Республикасининг пойтахти Санта-Доминго 2006 йилда ёшлар ўртасида тўртинчи жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиши ҳам КХАнинг ижроия кўмитаси аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Дарвоқе, айнан шу мусобақа доирасида ўтказиладиган кейинги конгрессда кураш бўйича олтинчи жаҳон чемпионати ўтказиш жойи ҳам аниқланди.

— Китъамиз спорт тарихида бундай йирик мусобақа биринчи марта бўлиб ўтади, — дейди Пан Америка конфедерацияси раиси Хани Кираново. — Фурсатдан фойдаланиб, бу чемпионатга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни биз Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатига ташкилий жиҳатдан бироз бўлса-да ақинлаштиришга ҳаракат қиламиз деб сўз бераман. Гун шундаки, мамлакатингизда бўлиб ўтган бундай нуфузли мусобақа менда катта таассурот қолдирди. Беллашувлар жараёни, бошқа ташкилий масалалар ҳам тўлиқ юкори стандарт мезонларига жавоб беради. Бунда эса, албатта, Кураш халқро ассоциацияси раҳбарияти, шахсан мамлакатингиз Президенти Ислам Каримовнинг хизмати каттадир...

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, матбуот анжумани давомида даярли барча конфедерация ва федерация вакиллари мамлакатимизда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати хусусида ўз фикрларини билдиришга ошқидилар.

— Мен қўллаб-қувватларда бўлганман, турли даражадаги мусобақаларни кузатганман ва таққослаган ҳолда шун айтмоқчи эдимки, Тошкент чемпионати ташкилий жиҳатдан Олимпиада ўйинларига мувофиқ бўлди десам муволага бўлмайди, — деди КХА котиби (Поляша вакили) Мичаел Бегошевски. — Бу эса яқин келажақда кураш Олимпиада ўйинлари дастурига киритилишидан даллат беради...

КХА ижроия кўмитасининг спорт директори, Эрон Ислам Республикасининг кураш федерацияси раиси Мухаммад Деракшан фикрини қайтардиган бўлсақ, курашнинг келажак порлок, у нафақат олимпиада ўйинлари дастурига кириши шубҳасиз, балки Олимпий спорт турлари ичида муносиб ўрини ҳам эгаллайди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

КУРАШ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИГА КИРИШИГА ИШОНАМИЗ

Бу фикрни Кураш халқро ассоциацияси ижроия кўмитаси аъзолари кураш бўйича V жаҳон чемпионати ва унинг доирасида ўтказилган ташкилий тадбирлар яқунларига бағишланган матбуот анжуманида баралла билдиришди.

мамиз фаолиятига ҳам тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилишини тақозо этмоқда, — деди КХА бош котиби Умид Ёқубов. — Чунки, ушума туғилмасига биринчи вице-президент ва маркетинг бўйича директор лавозимлари киритилди.

Конгресс кун тартибида долзарб бўлиб қолаётган ҳақамлик масаласи ҳам кўтарилди. Бугунги кунда халқро тоифадаги ҳақам макомига дунё бўйича 60 та ҳақам эга. Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати олдидан китъа ва республика тоифасидаги ҳақамлар ичидан энг яхшиларини саралаб олишга доир танлов ўтказилди. Унда 20 киши иштирок этган бўлса, 14 нафарига жаҳон миқёсидаги турнирларда ҳақамлик қилиш ҳуқуқини бериб сертификатлар тоғширилди. Жумладан, халқро тоифадаги ҳақам макомига бешинчи жаҳон чемпионати ҳақамлик жамоаси таркибидagi ягона аёл — Севара Дехжонова ҳам эга бўлди.

— Аслида ўзим ҳам полковник оиласиданман, бу эса, шубҳасиз, бўлажақ касбимни танлашга ҳам таъсир кўрсатди, — дейди Севара. — Хозирда Фаргона вилоятидаги Олимпий заҳиралари мактабида мураббий бўлиб ишлаяман, шу кунгача республика тоифасидаги ҳақам эдим. Халқро макомга эга бўлиш осон кечмади. Танлов олдидан кўп ҳаяжонландим. Лекин, назаримда, амали танлов, яъни бўлажақ мусобақаларда ҳақамлик қилиш менга қийинроқ кечди. Шундай бўлса-да, ҳамкасбларим таърибисига ва ёрдами туйғайли бу имтиҳонда ҳам яхши ўтдим. Шун ҳам таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, мамлакатимизда кураш жадал ривожланиб бормоқда, айникса Тошкентда, Самарқанд, Хоразм ва Фаргона вилоятларида бу спорт турига қизиқиш катта. Биз, мураббий ва ҳақамларга катта ишон билдирилган экан, бой тарихга эга курашнинг ҳар бир ўзбек оиласига кириб боришига ҳаракат қилишимиз лозим.

Конгрессда 2006 йил учун мусобақалар жадал тасдиқлаб олинди. Унга биноан ҳар бир конфедерация томонидан китъа чемпионатлари, шунингдек ёшлар ўртасидаги халқро турнирлар ҳам ўтказилди. Хусусан, конгресс томонидан Осиё кураш конфедерациясининг 2006 йилда Афғонистон пойтахти Кобулда кураш бўйича китъа чемпионати ўтказиш юзасидан қарори маъқулланди. Бундан ташқари, бу ерда келгуси йилнинг

га сазовор бўласиз. Калитининг синиши ёки йўқолиши, тирноқнинг синиши ёхуд қийимнинг йиртилиши ҳам кўнгилисизликлардан оғохлантиришдир.

Тўшлар, агар уларни қуёш кўтариладиган кейин кўрсангиз, башоратли ҳисобланади. Осмонни, камалак ранларини ёки олдузларни кўриш — яхшиликка ишора. Тушингизда эшикни очинишгиз, уйга кириб боришингиз — ҳаётингизда янги даврнинг бошланишига далолатдир.

Жигарингизни асранг, спиртли ичимликни суиистеъмол қилманг. Бугун бўки оватланиш жигарингиз ва бўйрақларингизда тоғ пайдо бўлиши, артрит хасталигининг ривожланишига олиб келади.

Кийим-кечақлардан ҳаворанг ва олтин суви юритилган либос-

лар бугунги кун руҳига кўпроқ мос бўлади. Қора ва жигаранг кийимларингизни жавончинг нариги бурчакка суриб қўйинг.

БУГУН: — илмий ва ижодий ҳамда ҳар қандай яратувчилик меҳнати билан шуғулланиш; — ўзингиз учун энг муҳим деб ҳисоблаган ишингиз билан банд бўлиш; — мақсадга интилишда фаол ҳаракат қилиш; — ўзингизга мададор ва хомий шахсни тоғиш; — давлат амалдорлари, нозирлар, адвокатлар ва нотариуслар билан учрашиш;

Бирйўла бир неча иш билан шуғулланиш, шошқалоқлик қилиш, чалакам-чатти иш юритишдан сақланганингни маъқул.

Қадри Ражабвой Наврўзов!!!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Илоҳим умрингиз узун толейингиз порлок бўлсин. Рафиқангиз Насибохон, фарзандларингиз Дилшод ва Жамшиджонларнинг бахтига доимо соғ бўлинг!

Дўстларингиз номидан Бахтиёр.

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 2001 йил Хотишмова Роҳила Холмуминова номига берилган С 173 рўйхат рақамига эга № 229867 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мунажжим башорати

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

2 ДЕКАБР, ЖУМА

Ҳа, бугун мунажжимларимиз олдингизга қўйган ҳар қандай мақсадга эришиш учун албатта куч-гайрат кўрсатиш, каттик интилиш кераклигини яна бир бор эслатишади. Фақат яхши меҳнат қилибгина қолмай, муаммони ҳал этишини ташкилий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Бошқа бир мунажжим бугун эр-талабдан ўз хоҳиш-истакларингизни каттик назорат қилишингизни маслаҳат беради. Чунки, дея ўз

фикрини тасдиқлайди у, улар тез орада амалга ошиши эҳтимоли жуда катта. Ҳатто сиз хаёлан ёки эшиттириб, бировни дуои-бад қилсангиз, айтганингиз шу заҳоти ўзингизнинг ҳаётингизда рўй бера болаши мумкин экан. Шунинг учун мунажжимлар фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлаш ва фикрлашмизни тайинлашади.

Қуёш чарақлаб туриб ёққан ёмғир — яхшиликка. У само тўқфаларини ёки узоқ касалликдан соғайишни билдиради. Кечаси тепаингда булутлар тарқалиши, тонг шафқи кўзга ташланиши яна ҳам яхшироқ. Осмонда ёзувларга ўхшаш шакллари кўриш ундан ҳам яхши — сиз фазовий башорат-



Бош мухаррир Акмал АҚРОВОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Газета Тошкент шаҳри Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Дунтаба, сенаба, чоршаба, пайшаба ва жума кўнари чқакди. Нашр кўрсатқичи — 563

Нашрингиз етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимида ёки «Тошкент» почтамоғига — 133-74-05 телефонига мувожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.